

XX АСР ОХИРИ – XXI АСР БОШИДА МИСР ВА СУРИЯНИНГ ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ ТАЖРИБАСИ

Шербек Мейлижонович Ёдгоров

Тошкент давлат шарқшунослик университети таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

XX аср охири – XXI аср бошларида диний экстремизм ва терроризм муаммоси жаҳон мамлакатларини бирдек ташвишга солди ҳамда ижтимоий-сиёсий муаммоларни келтириб чиқариши жиҳатидан энг хавфли кўринишга эга бўлди. Айниқса, бу даврда Яқин Шарқ минтақаси араб мамлакатлари ислом экстремизми ва терроризм муаммосига жаҳоннинг бошқа минтақалари ва давлатларига нисбатан кўпроқ дуч келди. Минтақадаги беқарорлик, ҳал қилинмаган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кенглиги, каттагина аҳоли қатламининг Ғарб модернизациясини қабул қилмаслиги, яшаш тарзининг оғирлиги – исломпарастларга қўл келадиган омиллар бўлиб хизмат қилди. Мазкур мақолада Яқин Шарқ минтақасида жойлашган икки йирик араб мамлакатлари – Миср Араб Республикаси ҳамда Сурия Араб Республикасининг XX аср охири – XXI аср бошларида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш тажрибаси таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: диний экстремизм, радикализм, терроризм, Яқин Шарқ, “Мусулмон биродарлар”, исломпарастлар, фундаменталистлар, армия.

THE EXPERIENCE OF EGYPT AND SYRIA IN THE FIGHT AGAINST RELIGIOUS EXTREMISM AND TERRORISM IN THE LATE XX - EARLY XXI CENTURIES

Sherbek Meylijonovich Yodgorov

Doctoral student of Tashkent State University of Oriental Studies

ABSTRACT

In the late XX - early XXI centuries, the problem of religious extremism and terrorism has become a global concern and has become the most dangerous in terms of causing socio-political problems. Especially during this period, the Arab countries of the Middle East region faced the problem of Islamic extremism and terrorism more than other regions and countries of the world. Instability in the region, the breadth of unresolved socio-economic problems, the unwillingness of a large segment of the population to accept Western modernization, and the weight of the way of life have

served as factors that benefit Islamists. This article analyzes the experience of two major Arab countries in the Middle East - the Arab Republic of Egypt and the Syrian Arab Republic in the late twentieth - early twenty-first century in the fight against religious extremism and terrorism.

Keywords: religious extremism, radicalism, terrorism, The Middle East, “Muslim Brotherhood”, Islamists, fundamentalists, the army.

КИРИШ

Дин ниқоби остида экстремизм, радикализм, терроризм каби ҳодисаларнинг илдишлари узоқ тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон мамлакатлар тинчлиги ва хавфсизлигига бугунгидек таҳдид солмаган. Бундай хавф-хатарларни олдини олиш, уни озиклантираётган омилларни бартараф этиш ҳамда унга қарши курашиш ҳар бир мамлакат учун устувор масалага айланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу каби хавф-хатарлар ва уларга қарши олиб борилиши лозим бўлган кураш ҳақида шундай дейди: “Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафқурасига қарши кураш борасида ҳамisha принципиал позицияга эга бўлиб келган. Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки биринчи навбатда, айниқса, ёшлар ўртасида, зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим”[1].

Бугунги таҳликали даврда диний экстремизм, радикализм ва терроризмга қарши курашнинг хориж тажрибасини ўрганиш, ибратли жиҳатларини ўзлаштириш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш мавжуд давлатларнинг барчаси учун бир хилда зарур ва фойдали. Диний экстремизм, радикализм ҳамда терроризмнинг асосий ўчоғи бўлган Яқин Шарқ минтақасида жойлашган араб мамлакатлари ушбу муаммоларга қарши курашда дунёнинг бошқа минтақалари ва давлатларига нисбатан кўпроқ тажрибага эга. Шу маънода, араб-ислом оламида диний экстремизм ва терроризм муаммосига биринчилардан бўлиб дуч келган Яқин Шарқ минтақасининг икки йирик давлатлари – Миср ва Суриянинг бу борадаги узоқ йиллик тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бир қатор шарқшунос олимлар – Р.Г.Ланда, А.А.Игнатенко, М.З.Ражбадинов, Ю.Б.Щегловин, Я.Е.Камлевская, В.П.Юрченко, Б.В.Долгов, А.В.Коротаев, С.Э.Бабкин, В.Е.Донцов, Н.В.Жданов, А.В.Малашенко, С.А.Модестов, О.Г.Пересыпкин, Д.Сюкияйнен, С.А.Семедов, М.С.Зинченколарнинг ишларида мусулмон дунёсида исломнинг сиёсийлашуви ва “ислом омили”нинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари ички ва ташқи сиёсатида таъсири, диний экстремизм,

радикализм ва терроризмнинг араб мамлакатлари хавфсизлигига таъсири масалалари ёритилган.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган шарқшунос ва сиёсатшунос олимлардан А.Ҳасанов, А.Ҳайдаров, З.Мунавваров, Ш.Ёвқочев, М.Муҳаммадсиддиқов, С.Ғафуров, М.Ражабова, О.Юсупов, М.Нуритдинов, З.Ҳусниддинов, Ў.Ҳасанбоев, А.Тулупов, А.Абдисатторов, Ф.Каримовлар томонидан амалга оширилган ишларда араб давлатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари ўрганилган.

Мақола умумқабул қилинган тарихий методлар - тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, даврий изчиллик, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда XX аср охири – XXI аср бошларида Миср Араб Республикаси ҳамда Сурия Араб Республикасининг диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш тажрибаси таҳлил қилинади.

НАТИЖАЛАР

1981 йил 6 октябрда президент Анвар Садатга қилинган суиқасд Миср тарихида ҳукумат билан исломпарастлар ўртасидаги қарама-қаршиликларда янги саҳифа очди. 1981 йили Миср ҳокимият тепасига келган Муҳаммад Ҳусни Муборак (1981-2011) ҳукумати ҳам ички, ҳам ташқи сиёсий таназзул фонида ўз таркибини ҳукуматдан норози ёшлар билан кенгайтириб олган ҳамда мамлакат ва минтақа хавфсизлигига катта раҳна солаётган радикал диний экстремистик гуруҳларга қарши кураш олиб бориши лозим эди.

Радикал экстремистик оқим вакиллари Миср Араб Республикаси давлат ва сиёсий тизимини исломга қарши сифатида, ҳукуматни эса ҳақиқий ислом душмани деб биладилар. Улар ҳақиқий исломий давлат куришнинг ягона йўли зўравонлик, деб ҳисоблайдилар[2]. XX асрнинг 80-90-йилларида радикал экстремистик гуруҳлар содир этган зўравонлик ва қўпарувчилик ҳаракатлари энг даҳшатли воқеалар сифатида замонавий Миср тарихидан жой олди.

XX асрнинг 80-йиллар охирида Мисрнинг яширин экстремистик гуруҳларида 500.000 та одам бор эди[3]. Полиция томонидан бундай гуруҳларнинг даврий тор-мор этилиши кўп нарсани ўзгартирмас, чунки норозилик учун иқтисодий-ижтимоий муаммолар сақланиб қолаётган, пировардида диний тус олмоқда эди. Чунки фундаменталистик ташкилотлар мисрликлар учун ҳукуматга ва Ғарбга қарши кайфиятни бирлаштирган шаклга айланиб бўлган эди. Шунинг учун ҳар йили ҳамма нарса яна бошдан бошланар, ҳукумат ва ислом оппозицияси ўртасидаги кураш моҳияти ўзгармас эди.

XX асрнинг 90-йилларида Мисрдаги ижтимоий-иқтисодий

муаммоларнинг ечилмаганлиги ислом оппозицияси ва ҳукумат ўртасидаги қарама-қаршилиқлар сабабчиси бўлиб қолди. Миср мисолида кўриш мумкинки, исломпарастлар фаолиятининг кучайиши оғир ҳолат – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳудудий ва халқаро соҳаларда таназзулнинг юзага келиши билан боғлиқ. Мисрдаги ижтимоий ҳолатни мураккаблаштирган ва уни таназзул ҳолатига келтирган омиллар сирасига аҳоли ўртасидаги мол-мулк тенгсизлиги, ишсизлик, камбағал аҳоли ҳаётининг яна ҳам оғирлашуви, уларнинг ночорликка бўлган таъсирчанлигининг ошиши қабиларни киритиш мумкин.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Мисрда террористик ҳужумлар ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Радикал ислом гуруҳлари МАРнинг турли ҳудудларида кенг кўламдаги террористик фаолиятини олиб борди. Полиция участкалари, маъмурий ва хўжалик биноларига, қишлоқ ҳудудларида қуролли босқинлар уюштирилди. Бу ҳужумлар нафақат давлатнинг ҳукумат тизимига, балки иқтисодий, ижтимоий-сиёсий хавфсизлиги, маданий ва ғоявий тизимига ҳам таҳдид сола бошлади. Террорчилар бошлаган уруш Миср XX асрда ташқи душманлар билан қаршилашган ҳар қандай урушдан ҳам даҳшатлироқ бўлиб қолди[4].

1992 йил мартида ислом экстремистлари президент Хусни Муборак ҳукуматини ағдариб ташлаш нияти ҳақида эълон қилдилар[5]. Ислампарастлар асосий базалари Юқори Миср, Қоҳира, Александрияда эди[6]. Асосан қишлоқ ҳудудларида жойлашган полиция ҳудудлари, административ ва хўжалик объектларига қуролли ҳужумлар уюштирилди. 1992 йилда экстремистлар Асьютда тартибсизликлар уюштирадилар, бунинг натижасида ўнлаб одамлар ҳалок бўлди. Юқори мансабдор шахслар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларига нисбатан кўплаб терактлар уюштирилди. 1993 йилда Бош вазир Отиф Сидқи, Ички ишлар вазири Ҳасан ал-Афифи, Ахборот вазири Савфаг ал-Шариф ҳаётига суиқасдлар уюштирилди. Экстремистлар ҳатто, машҳур ёзувчи Нажиб Маҳфузни ҳам ўлдирмоқчи бўлдилар. 1995 йилда Эфиопия пойтахти Аддис-Абебада мисрлик исломпарастлар президент Хусни Муборак ҳаётига суиқасд уюштирадилар. 1996 йилда экстремистлар Халқ Кенгаши Раиси Рифаат Махгубни ўлдиришди. Ҳукуматнинг иқтисодий турғунлигига путур етказиш мақсадида чет эллик сайёҳларга қарши бир қатор терактлар амалга оширилди. 1992-1997 йилларда экстремистлар 35 та сайёҳлик объектларига зарар етказдилар, 100 дан ортиқ чет элликлар вафот этишди. Террорчилар зўравонлигининг энг чўққиси 1997 йил 17 ноябрда Луксорда сайёҳларга қарши уюштирилган босқинчилик бўлиб, бунда Ғарбий Европа ва Япониядан келган 61 та сайёҳ вафот этди. “Ал-жамоа ал-исломийя” гуруҳи бу босқинчиликни амалга оширганини тан олди. Мамлакат учун керак бўлган, сайёҳликдан келадиган

фойдага жиддий зарар етказилди. Расмий маълумотларга кўра, Луксордаги хунрезлик оқибатида чет эллик сайёҳларнинг камайиши мамлакатга бир неча миллион долларлик зарар келтирди[7].

XXI аср бошида мисрликлар иштирок этмаган исломий характердаги ҳарбий-сиёсий ҳаракатни топиш қийин эди. “Ал-Жиход” ва “Ал-Жамоа ал-исломийя” гуруҳларининг кўпгина фаолларига 80-йиллардаёқ Афғонистонга чиқиб кетиш имконияти берилган эди. Ҳукумат шу йўл билан тинчликни бузувчилардан қутулишни кўзлаган эди. Бироқ улар Афғонистонда катта тажриба орттирдилар. Натижада мисрлик “Афғон уруши” ветеранлари ислом оламининг барча қайноқ нуқталарига тарқалдилар, айниқса, Мисрда содир бўлган кўпоровчилик ҳаракатларида фаол иштирок этишар, бу кўпоровчилик ҳаракатлари 1998 йилда ҳукумат билан бир томонлама “ярашув” эълон қилинганидан кейин ҳам давом этди[8].

МУҲОКАМА

Миср тажрибаси. XX аср охири - XXI аср бошида Миср ҳукуматининг исломпарастлар билан мулоқотга борилмайдиган, ён босмайдиган, ҳукуматнинг аниқ ишлаб чиққан чора-тадбирлари терроризм, диний экстремизм ва радикал диний гуруҳлар фаолиятини аста-секин йўққа чиқарди. Ҳукуматнинг ислом фундаменталистлари билан муросасиз курашида Миср армияси айниқса, муҳим рол ўйнади.

90-йилларда Мисрда яратилган экстремизмга қарши кураш тизимига қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг кўп қисми жалб этилди. Мисрда ушбу соҳада барча давлат идораларининг ўзаро алоқаларини ўрнатишга катта аҳамият берилди. Ушбу мақсадлар учун ҳукумат ҳузурида ички ишлар идоралари, тарғибот ва таълим муассасалари, ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий вазирликлари ва идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи тузилди. Ушбу тизимда муҳим роль Олий хавфсизлик судига юкланди, улардан армия зобитлари тайинланди. Суднинг ҳукмлари устидан шикоят қилиниши мумкин эмас эди. Ўзининг хатти-ҳаракатлари ва ваколатлари табиати бўйича у фавқулодда судга тўғри келди. Террористик характердаги жиноятлар учун асосий жазо оғир меҳнат ёки ўлим жазоси эди. Мисрдаги оппозицион нашрлардан маълумки, 1995 йилда мамлакат қамокхоналарида 10000 га яқин сиёсий маҳбуслар сақланган[9].

1995 йилда Аддис-Абебада Президент Хусни Муборакка қилинган суиқасддан сўнг, Миср терроризмга қарши кураш бўйича кенг қамровли дастур ишлаб чиқди. Уни амалга ошириш доирасида 1997 йилда ислом экстремизмига қарши курашни кучайтириш бўйича қўшимча чоралар кўрилди. Хусусан,

ходимлар сони кўпайтирилди ва ўқув дастури такомиллаштирилди, Ички ишлар вазирлиги Давлат хавфсизлиги бош бошқармасининг ваколатлари кенгайтирилди. 1998 йилда иш бошлаган ушбу бўлимнинг янги раҳбари Х.Алберий Мисрда аксилтеррор фаолиятини сезиларли даражада фаоллаштиришга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, унинг буйруғига биноан, шубҳали шахсларнинг ҳаракатини чеклаш учун Миср-Ливия чегарасини кўриқлаш кучайтирилди. Бундан ташқари, АҚШдан сотиб олинган портловчи моддаларни аниқлаш учун ускуналар MAP денгиз портлари ва аэропортларига ўрнатилди.

Шу билан бирга, мамлакатдаги диний муассасалар устидан давлат назорати кучайтирилди. Исломпарастларга масжидлардан ўз мақсадлари учун фойдаланишни қийинлаштириш учун Миср ҳукумати 1996 йилдан 2000 йилгача ҳисобланган 30 мингга яқин кичик масжидларни Вақф вазирлиги назорати остига ўтказиш режасини қабул қилди. Бу исломий гуруҳларни молиялаштириш манбаларидан бири бўлган хайрия маблағларини йиғиш устидан назорат ўрнатди[10]. Бундан ташқари, расмийларга кўра, экстремистларни қўллаб-қувватлаган “Мусулмон биродарлар” уюшмаси, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, муҳандислар, фармацевтлар касаба уюшмаларининг молиявий фаолияти текширувлари текширилди.

1996 йил августга қадар Миср томонидан бир қатор давлатлар билан хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар туфайли Миср Араб Республикаси Ички ишлар вазирлиги асосан исломчилар учун мўлжалланган хориждан маблағларни ушлаб қолиш муаммосини ҳал қилишга муваффақ бўлди[11]. Бундай ҳаракатлар натижасида молиявий базанинг кескин қисқариши туфайли Мисрдаги кўплаб исломий ташкилотлар маҳаллий сайловларда қатнашишдан бош тортишга мажбур бўлдилар.

XX асрнинг 90-йиллари охири ҳамда XXI аср бошларига келиб исломчиларга нисбатан қаттиқ репрессив чоралар, узоқ муддатли қамоқ жазоси ва оғир меҳнатга ҳукм қилиш билан бирга вақти-вақти билан амнистия амалга оширилиб, қамоқдан чиққандан кейин жойлашиш учун судланганларга пул маблағлари берилиб борилди[12]. Масалан, фақат 1998 йилда Миср қамоқхоналаридан Фавқулодда вазият қонуни бўйича судланган 5000 га яқин киши озод қилинди. 1999 йил май ойида “Ал-Жамоа ал-Исламийя”нинг 1200 га яқин аъзоси амнистия қилинди. Бундан ташқари, экстремизм муаммоси чуқур иқтисодий ва ижтимоий илдизларга эга эканлигини англаган ҳолда, Миср Араб Республикаси раҳбарияти мамлакатнинг ушбу қисмини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Миср жанубидаги вилоятларнинг аҳолиси орасида

исломий экстремистлар таъсирини заифлаштириш бўйича комплекс дастурни амалга оширди.

Сурия тажрибаси. 1982 йилдан кейин Суриядаги исломпарастлар фаоллиги кескин пастга тушиб кетди. Ҳофиз Асад ҳукумати улар билан курашнинг самарали усулини (кейинчалик бу усулни Тунисда ҳам қўллашди) топди. У ҳарбий юриш ва махсус хизмат ҳаракатларини ОАВ ташвиқоти билан биргаликда қўллаб, Сурия шаҳарларининг ижтимоий “туб”ини йўқотишга эришди. Шаҳарларда ёлланма ишчилардан фойдаланадиган шахслар сони 1970-1984-йилларда 4 маротаба, қишлоқларда эса 1,5 маротабага ўсди. Майда ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириб, 1965 йилдан кейин эса назорат қилиб, иқтисоднинг асосий соҳалари, давлат ҳар қанақасига йирик капиталнинг ўсишини чегаралади. Шу билан биргаликда миллий бизнесни ривожлантириш, чет эл инвестициялари, бандликни ошириш бўйича шарт-шароитлар яратилди. 70-йилларда иқтисодиёт 10%га ошди, қишлоқ хўжалигида, қайта ишлаш саноатида (ҳам давлат сектори, ҳам хусусий кооператив секторларида), транспорт соҳаси, нефт қазиб олиш ва туризм соҳаларида салмоқли потенциал ҳосил қилинди. 1970-1983-йилларда аҳоли жон бошига фойда олиш 480 доллардан 930 долларгача кўтарилди. Нефть қазиб олувчи Форс кўрфази давлатларининг кўмаги, ўн минглаб сурияликнинг у ерга иш излаб бориши (айниқса, Кувайтга), 1 миллионга яқин сурияликнинг Ливанда ишлаши (1975-1991-йиллардаги фуқаролар уруши даврида бузилган жойларни тиклаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётган эди) шубҳасиз, катта мадад бўлди[13].

Ҳатто кескин танқидчилар наздида ҳам, 80-йилларда Сурия иқтисодиёти анча муваффақиятли ривожланди. Бу нарса исломпарастларни кучсизлантириш учун ҳукуматга қўл келди. Ҳофиз Асад “Мусулмон биродарлар”нинг урушиб қолган етакчилари билан музокаралар олиб борди, уларни яраштиришга уринди (жумладан, “Биродарлар” етакчиси суриялик Исом ал-Атторнинг синглиси Нажоҳ ал-Атторни маданият вазири этиб тайинлади). Табиийки, президент “Биродарлар” сафидаги “мўътадиллар” ва “ўта радикаллар” ўртасидаги зиддиятли эски тортишувлардан ҳам фойдаланишга уринди. 1982 йилдаги тор-морликдан кейин радикаллар етакчиси Аднан Саад ад-Дин издошлари гуруҳи билан Ироқда яширинди (бу эса шундоқ ҳам зиддиятли бўлган ироқлик ва суриялик баасчилар муносабатини таранглаштирди), “мўътадиллар” етакчиси Абдул Фаттоҳ Абу Гудда эса Саудия Арабистонига кўчиб кетди. А.В.Кудрявцевнинг таъкидлашича, шундан кейин Суриядаги “Биродарлар” “реал куч сифатида мавжуд бўлмай қолдилар”[14]. Бироқ, Р.Г.Ланда бу фикрга унчалик қўшилмайди ва “90-йилларда Суриядаги 2500 масжиддан баъзиларида исломий асосдаги танқидий кайфиятларни сезиш мумкин эди”, деб

ҳисоблайди[15]. Бундан ташқари, 1995 йилдан Дамашқ ва Ҳалабдаги техник зиёлилари орасида “вахҳобийлик” ташкилоти ноқонуний фаолият кўрсатарди, бу ташкилот пойтахтдаги савдогар суннийлар томонидан молиялаштирилиб, 1996 йил бошида махсус хизматлар томонидан фoш этилди[16].

Ҳофиз Асад ҳукумати Сурияда XXI аср бошига қадар араб олами учун ноёб бўлган барқарорликни намоён қилди. Ушбу барқарорликни Суриянинг исломпарастларга нисбатан моҳирона олиб борган сиёсати, шунингдек, араб бирлиги ғоясини (чунки Сурия ўзини араб оламининг “юраги”, деб ҳисоблар эди) ёқлаши ҳамда Ливан ва Ироқда исломчи экстремистларни назорат қилувчи Эроннинг кўмаги билан изоҳлаш мумкин.

Бундан ташқари, Сурия ҳукумати XX аср охирида Яқин Шарқ минтақасида содир бўлган сиёсий жараёнларда анча удабуронлик билан ҳаракат қилиб (хусусан, 1990 йил охирида Ироққа қарши урушда қатнашиб, Ливан бўйича мурасага келиб), Ғарб оппоненти сифатида ўртага чиқди ва сиёсий дивидент олишга муваффақ бўлди. Бу ҳолат ҳам мамлакатдаги исломий оппозиция билан содир бўладиган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди.

1995 йилда Сурия ҳукумати қамоқхоналардан 2400 та сиёсий маҳбусларни (асосан “Биродарлар”дан) озод қилди, 13 йил сургунда яшаган Абу Гуддани афв этганини эълон қилди[17]. Абу Гудданинг ўзи Ҳофиз Асад сиёсатини қўллаб-қувватлашини эълон қилди ва ўз сафдошларининг ҳукуматга қарши фаолиятларини тўхтатишга ҳаракат қилди. Иорданияда ҳаракат қилаётган Исҳоқ Фархоннинг Ислom ҳаракати fronti (Иордания парламентида “Мусулмон биродарлар” йўналишини белгилайдиган партия) билан музокаралар олиб бориб, 1997 йилда 2 марта ҳукумат билан келишишга чақирди. 1997 йилда Абу Гудданинг ўлими аҳволни мураккаблаштирган бўлса-да, Ҳофиз Асад “Биродарлар” етакчиси суриялик Исом ал-Аттор билан келишишга, улар томонидан бошқариладиган Европадаги “биродарлар” қисмини зарарлантиришга муваффақ бўлди. Бунгача ҳам (1990 йилда), Саад ад-Диннинг Ироқ фракцияси билан муносабатлар ўрнатилди, 1997 йилда эса Жазоир, Судан, Эрон ва Туркия исломпарастлари (шу жумладан, радикаллар) билан алоқалар ўрнига қўйилди. Улар 90-йилларда Исроил билан олиб борилаётган музокараларда Сурия позициясини ёқлар эдилар.

Ҳофиз Асаддан сўнг Сурия президенти бўлган Башар Асад 2000 йил ноябрида 400 та “биродарлар”ни, 2001 йилда эса уларнинг етакчиси Холид аш-Шомийни озод қилди, аш-Шомий сиёсий фаолиятни давом эттиришдан воз кечди. 2001 йил 11 сентябрдаги Нью-Йорк воқеаларидан кейин Сурия АҚШ махсус хизмат доираларига Яқин Шарқдаги исломий ташкилотларнинг “Ал-Қоида” билан алоқалари ҳақидаги маълумотларни етказди. Ироқда Саддам

Хусайн ҳукумати қулаганидан сўнг Сурияда 2003 йил майда бутун араб оламида фаолият кўрсатадиган “Хамас”, “Ал-жиход ал-исломий” ташкилотлари офислари ёпилди.

ХУЛОСА

Миср ҳукуматининг XX аср охири – XXI аср бошида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашида кўплаб ютуқларни қўлга киритганига қарамай, кўрилган чоралар мамлакатда радикал исломпараст ташкилотларни бутунлай йўқ бўлишига олиб келмади. Улар аҳоли орасида кичик масштабда бўлса ҳам ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Демак, Миср ҳукуматининг тажрибаси шуни кўрсатадики, фақатгина қатъий чоралар кўриш билан ушбу муаммо билан курашиб бўлмайди. Ёшларни назоратсиз қолдириш, уларнинг диний билимлар базасига эътиборсизлик мамлакатни ўткир инқирозлар сари етаклайди. Исломпарастларга қарши курашда хушёрликни бой бермасдан, аҳолига, айниқса, ёшларга мўтадил ислом таълимотларини сингдириш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш энг мақбул ечим эканлиги Миср тажрибасида янада аниқ намоён бўлади.

Аксинча, XX аср охири - XXI аср бошларига келиб ҳарбий, сиёсий, юридик, жосуслик, ижтимоий, иқтисодий, ғоявий ва дипломатик чоратadbирларнинг биргаликда қўлланилиши Сурия ҳукуматида ислом экстремизмини зарарсизлантириш имкониятини берди. Бирок, Сурия тажрибаси шуни кўрсатадики, ички ва ташқи шарт-шароитлар пайдо бўлганда экстремистик гуруҳлар фаолияти қайта тикланиши ва уларнинг мамлакат тинчлиги ва барқарорлигини бутунлай издан чиқариши яқин тарихда содир бўлган воқеаларда намоён бўлди.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Тинчлик жараёни, хавсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик// Афғонистон бўйича халқаро конференцияда нутқи. // http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?SECTION_ID=221&ELEMENT_ID=53959. (Mirziyoyev Sh.M. Speech at the International Conference on Afghanistan: Peace Process, Security Cooperation, and Regional Connectivity).
2. Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). –М. 2003. –С. 253.
3. Ланда Р.Г. Политический ислам - предварительные итоги. –М. 2005. –С. 108.
4. Камлевская Я.Е. Борьба с терроризмом в Египте на рубеже XX-XXI веков. Ближний Восток и современность. Сборник статей (выпуск девятнадцатый) М., 2003. – С. 58.

5. Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). –М. 2003. –С. 255.
6. Юрченко В.П. Армия и власть в Египте. Армия и власть на Ближнем Востоке: От авторитаризма к демократии (сборник статей). // Ин.-т изуч. Израиля и Бл. Востока, М.: 2002. – С. 12.
7. Юрченко В.П. Египет проблемы национальной безопасности (1952–2002 гг.). –М. 2003. –С. 255.
8. Ислам на современном Востоке: Регион стран Ближ. и Сред. Востока, Юж. и Центр. Азии / Ин-т востоковедения Рос. акад. наук, Ин-т изучения Израиля и Ближ. Востока; [Огв. редакторы: : В.Я.Белокреницкий и А.З.Егорин]. - М.: Ин-т востоковедения РАН: Крафт+, 2004. –С. 262–267.
9. Камлевская Я.Е. Борьба с терроризмом в Египте на рубеже XX-XXI веков. Ближний Восток и современность. Сборник статей (выпуск девятнадцатый). -М., 2003. –С. 58.
10. Поляков К.И. Противодействие религиозному экстремизму и терроризму в арабских странах. Исламизм и экстремизм на Ближнем Востоке (сборник статей). -М., 2001. -С. 188.
11. Бабкин С.Э. Движения политического ислама в Северной Африке. / Институт изучения Израиля и Ближнего Востока. – М., 2000. -С. 51.
12. Поляков К.И. Арабские страны и ислам в России (90-е годы XX века). -М., 2001. - С. 98.
13. Ахмедов В.М. Сирия на рубеже столетий. Власть и политика. -М., 2003. -С. 10-22.
14. Кудрявцев А.В. Движение Братъев-мусульман в странах Ближнего Востока. Национализм и фундаментализм на Ближнем Востоке. Материалы конференции Москва, 04.02.99 г. –М., 1999. –С. 61-62.
15. Ланда Р.Г. Политический ислам - предварительные итоги. –М. 2005. –С. 124.
16. Ахмедов В.М. Сирия на рубеже столетий. Власть и политика. -М., 2003. -С. 35.
17. Ланда Р.Г. Политический ислам - предварительные итоги. –М. 2005. –С. 125.